

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ ВА АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ ҚУРИШНИНГ ТАРИХИЙ-ИЖТИМОЙ ЖИҲАТЛАРИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.11627887>

Обломуратов Наим Халимович
ТДИУ Ижтимоий-гуманитар фанлар
кафедраси профессори, т.ф.д.

АННОТАЦИЯ

Мақолада Янги Ўзбекистонда ижтимоий давлат ва адолатли жамият қуришнинг тарихий-ижтимоий жиҳатлари ёритилган. Ижтимоий давлат гоёсининг келиб чиқиши, адолатли жамият ва маърифатли давлат бошқаруви бўйича Шарқ мутафаккирларининг қараишлари таҳлил этилган. Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси ҳамда “Ўзбекистон-2030” стратегиясида аҳоли талабларига ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган ижтимоий ҳимоя тизимини ташкил этиши ва унинг натижалари ижтимоий-тарихий жиҳатдан очиқ берилган. Янги Ўзбекистонни “ижтимоий давлат” тамойили асосида қуришнинг стратегик лойиҳалари ва уларнинг истиқболлари ёритилган.

Калит сўзлар: Ижтимоий давлат, адолатли жамият, “Фозил одамлар шаҳри”, Абдулла Авлоний, Лоренц фон Штейн, Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси, “Ўзбекистон-2030” стратегияси, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”.

ИСТОРИЧЕСКИЕ И СОЦИАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ ПОСТРОЕНИЯ СОЦИАЛЬНОГО ГОСУДАРСТВА И СПРАВЕДЛИВОГО ОБЩЕСТВА В НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ

Обломуратов Наим Халимович
Профессор социально-гуманитарного факультета ТГЭУ,
доктор исторических наук

АННОТАЦИЯ

В статье освещены исторические и социальные аспекты построения социального государства и справедливого общества в Новом Узбекистане. Анализируются зарождение идеи государства всеобщего благосостояния, взгляды восточных мыслителей на справедливое общество и просвещенное государственное управление. Стратегия развития нового Узбекистана и

стратегия “Узбекистан-2030” раскрывают создание системы социальной защиты, полностью отвечающей требованиям населения и международным стандартам, и ее результаты с социально-исторической точки зрения. Освещены стратегические проекты построения нового Узбекистана на основе принципа “Социального государства” и их перспективы.

Ключевые слова: *Социальное государство, справедливое общество, “Трактат о взглядах жителей добродетельного города”, Абдулла Авлони, Лоренц фон Штайн, Новая стратегия развития Узбекистана, стратегия “Узбекистан-2030”, “Железная тетрадь”, “Женская тетрадь”, “Молодежная тетрадь”, “Единый реестр социальной защиты”.*

HISTORICAL AND SOCIAL ASPECTS OF BUILDING A SOCIAL STATE AND A FAIR SOCIETY IN THE NEW UZBEKISTAN

Naim Halimovich Oblomuradov

Professor of the Social and Humanities Department of TSUE

Doctor of Historical Sciences

ABSTRACT

The article highlights the historical and social aspects of building a social state and a fair society in New Uzbekistan. The origins of the idea of the welfare state, the views of Eastern thinkers on a just society and enlightened public administration are analyzed. The development strategy of the new Uzbekistan and the Uzbekistan-2030 strategy reveal the creation of a social protection system that fully meets the requirements of the population and international standards, and its results from a socio-historical point of view. The strategic projects for building a new Uzbekistan based on the principle of the “Social State” and their prospects are highlighted.

Key words: *Social state, fair society, “Treatise on the views of residents of a virtuous city”, Abdullah Avloni, Lorenz von Stein, New development strategy of Uzbekistan, strategy “Uzbekistan-2030”, “Iron notebook”, “Women’s notebook”, “Youth notebook”, “Unified register of social protection”.*

КИРИШ.

Сўнги йилларда мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, фуқароларга давлат томонидан кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар ҳажми ва турларини кенгайтириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Ижтимоий дастурларни молиялаштириш харажатлари икки

баравар кўпайди, ногиронлиги бўлган шахслар ва ногирон болаларга ғамхўрлик қилаётганлар учун янги турдаги имтиёзлар жорий этилди.

Янги Ўзбекистоннинг асосий мақсади – ҳар бир фуқарога ғамхўрлик қилиш, инклюзив ривожланиш, аҳолининг барча катламлари учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш эканини ҳам таъкидлаш зарур. Бинобарин, Ўзбекистонни ўз Ватани, деб билган, унинг равнақига ҳисса қўшаётган ҳар бир инсон миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳамиша давлат ва жамиятнинг эътибори ва ғамхўрлигидадир.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси юртимизда изчил амалга оширилаётган шиддатли ва қамровдор ислоҳотларнинг мантиқий давоми ҳисобланади. Тараққиёт стратегиясининг “Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш” номли тўртинчи устувор йўналишида ижтимоий давлат негизини ташкил этувчи масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, мазкур дастурий ҳужжатнинг 43-мақсади бевосита ҳар бир инсон учун муносиб шароит яратиш ва турмуш даражасини мунтазам яхшилаб боришга йўналтирилган.

Шу ўринда “Ижтимоий давлат ўзи нима?” деган савол туғилиши табиий. “Ижтимоий” сўзи арабча — “жамоа, жамиятга оид ҳамда инсон ва жамият ҳаётига оид” деган луғавий маъноларни англатади. Ижтимоий давлат – инсоният тарихий тараққиётининг муайян даври маҳсули, давлатчилик ривожининг махсус босқичидир. Шунингдек, ижтимоий давлат – сифатли таълим, малакали тиббий ёрдам, оилалар, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бор шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, муҳтожларни уй-жой билан таъминлаш, бандлигини таъминлаш, хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, камбағалликни қисқартиришга қаратилган давлат моделидир.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ.

Ижтимоий давлат ғояси, энг аввало, қадимги Шарқда, хусусан, мутафаккир аждодларимиз томонидан илгари сурилган. Буюк бобомиз Абу Наср Форобий маърифатли инсонлар жамоасини, идеал жамият ғоясини «Фозил одамлар шаҳри» асарида тараннум этган.

Аждодларимиз орасида давлат ва сиёсат соҳасидаги энг қудратли зот бўлган Амир Темур қонун-қоидаларни ўрнатиб, улардан давлатни бошқаришда фойдаланди. Амир Темур тузган қонун-қоидаларда жамиятдаги мавжуд барча табақа ва тоифаларнинг қизиқиш ва манфаатлари инобатга олинган эди. Жамиятда кечадиган ижтимоий муносабатларнинг барқарор бўлишида бу жиҳат муҳим аҳамиятга эгадир. Ўз тузукларида Амир Темур шундай ёзади: «Салтанатим ишларини қонун-қоида ва интизомга солиб, салтанатим

мартабасига зебу зийнат бердим. Салтанатимни ўн икки тоифага бўлиб, уларга таянган ҳолда иш юргиздим. Салтанатим қонун-қоидаларини ҳам шу ўн икки тоифага боғлаб туздим. Бу ўн икки тоифани салтанатим фалакининг ўн икки буржи ва давлатим корхонасининг ўн икки оғи деб ҳисобладим»[1]. Айтиб ўтилган ана шу тоифалар таркибига Амир Темур давлатида яшаган аҳолининг деярли барча қатламлари киритилган эди. Ижтимоий муносабатлар ҳам ушбу фаолиятдан келиб чиққан. Албатта, бунинг учун ўша ҳукмрон табақа вакилларида ва ҳукмдорларда нафсини ва ғазабини тия олиш, узоқни кўра олган ҳолда сиёсат олиб бориш, ҳаммага адолатли бўла олиш, ақл-идрок билан, оғир ва вазминлик билан иш юритиш каби бир қатор юксак ижобий фазилатлар бўлиши шарт эди.

Ижтимоий давлат барпо этиш Алишер Навоий бобомизнинг ҳам эзгу орзуси бўлган. У инсонларнинг бахтли яшаши учун муносиб ижтимоий муҳит яратиш, фаровон жамият қуриш, маърифатли давлат бошқаруви, адолатпарвар ва одил ҳукмдор, инсонлар ўзаро меҳр-оқибатли ва бағоят ахлоқий бўлиш каби қарашларни илгари сурган эди. Шу каби ғояларни Абу Райҳон Беруний, Абдулла Авлоний, Аҳмад Дониш сингари алломаларимиз ижодида кўришимиз мумкин.

Ҳозирги “ижтимоий давлат” тушунчаси илк бор 1850 йилда немис олими Лоренц фон Штейн томонидан илмий муомалага киритилган. Унинг таъкидлашича, давлат ўз фуқароларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ҳисса қўшиши, барча ижтимоий табақалар учун ўз ҳокимияти орқали шахсий ҳуқуқларда мутлақ тенгликни таъминлаши лозим. Бунда инсон камолоти давлат равнақи учун зарурий шарт ҳисобланади [2].

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ.

Замонавий илмий манбаларда кенг тарқалган талқинга биноан, ижтимоий давлат, энг аввало, ижтимоий адолат ҳақида, ўз фуқароларининг фаровонлиги, ижтимоий ҳимояланганлиги хусусида ғамхўрлик қиладиган давлатдир. Бундай давлат ўз фаолиятини аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари: ишсизлар, меҳнат қобилиятини йўқотганлар, боқувчисидан маҳрум бўлганлар, ногиронлиги бўлган инсонлар, болалар, кексаларни ижтимоий ҳимоялаш билан узвий олиб боради. Ижтимоий ёрдамга муҳтож шахслар – ўзининг саломатлиги, ёши, даромад олиш имкониятларининг чекланганлиги туфайли ўзганлар кўмагига муҳтож шахслар ҳамда оилалар бўлиб, улар ижтимоий ёрдамнинг бир ёки бир неча турларидан фойдалишга ҳақли бўладилар [3].

Бунда “ижтимоийлик”нинг асосий шарти инсонга унинг қадри, шаъни ва эркини асраб-авайлаб муносабатда бўлишдир. Бу, ўз навбатида, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари амалда тўла таъминланиши

ва бу кафолатланганлиги билан чамбарчас боғлиқ. Ижтимоий давлатнинг моҳияти унинг оқилона ижтимоий сиёсатни амалга оширишида, айниқса, инсон ва жамият манфаатларига мос ижтимоий функцияларни изчил адо этишида намоён бўлади. Шу боис бундай давлат фаолиятининг муҳим қисмини ижтимоий вазифаларни бажариш ташкил этади.

Ижтимоий давлатда инсонлар орасида ҳасадни йўқотиш, меҳр-оқибат, бағрикенглик ва бирдамликни мустаҳкамлаш, хайр-саховат тадбирларини бардавом йўлга қўйиш, инсонларнинг ички дунёсини пок ва уларни ҳалол, болалигидан ўзининг меҳнатидан бошқа бирор-бир усул ёки восита орқали муваффақиятга эришиб бўлмаслиги тушунчаси билан тарбиялаш борасидаги саъй-ҳаракат-ларга алоҳида эътибор бериш муҳим аҳамиятга эга. Ижтимоий давлатчилик нафақат Америка ва Европа, балки Осиё давлатларида, жумладан, Жанубий Корея, Сингапур ва Японияда ҳам ривожланиб бормоқда. Ҳозирги замон тажрибасига кўра, Европа мамлакатларида ижтимоий давлат ғояси турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан мустаҳкамланган. Хусусан, Германияда унинг ижтимоий давлат экани Конституция даражасида белгиланган. Шунингдек, ижтимоий давлатнинг Скандинавия ва континентал моделлари ҳам мавжуд бўлиб, бунда давлатлар ўз фуқароларининг ижтимоий фаровонлиги, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларига, болалар ва ёшларга, кексаларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш учун масъул бўлади.

Халқаро Меҳнат ташкилоти маълумотларига кўра, айти пайтда дунё аҳолисининг 55 фоизи ижтимоий ҳимоядан маҳрум бўлса, атиги 29 фоизи комплекс ижтимоий таъминотдан фойдаланиш имкониятига эга. Пенсия ёшидаги кексаларнинг 68 фоизи қариллик пенсиясини олишади. Бу эса кўплаб мамлакатларда ҳам жамғариб бориладиган, ҳам суғуртали пенсия таъминотининг етарлича ривожланмаганлигини кўрсатади. Яна бир оғир муаммо — тараққий топган йигирма биринчи асрда ҳам, афсуски, инсонларнинг соғлиқни сақлашга бўлган ҳуқуқи дунёнинг кўпгина минтақаларида ҳали реал ҳақиқатга айланмади. Бу, айниқса, аҳолининг 56 фоизи мазкур имтиёздан маҳрум бўлган қишлоқ жойларига тааллуқлидир [4].

Ижтимоий давлат тор маънода ўз фаолиятида аҳолига нафақалар тўлашни, жамиятга хизмат кўрсатишни амалга оширади ва уй-жой билан таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилади. Кенг маънода нафақат аҳолини бевосита қўллаб-қувватлашга қаратилган сезиларли даражада кўп сонли дастурларни, балки иқтисодиётни бошқариш ва ташкил этишга қаратилган чора-тадбирларни, шу жумладан, бандлик ва у билан боғлиқ масалаларни ҳамда комплекс макроиқтисодий бошқарувни амалга оширади.

Таъкидлаш жоизки, Президентимиз “Ижтимоий давлат бу, энг аввало, инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун тенг имкониятлар, одамлар муносиб ҳаёт кечиришига зарур шароитлар яратиш, камбағалликни қисқартириш”, дея изоҳлаган ва ўз навбатида, “Биз Янги Ўзбекистонни “ижтимоий давлат” тамойили асосида қуришни мақсад қиляпмиз. Буни Конституцияда мустаҳкамлашимиз керак”, деб таъкидлаган эдилар [5]. Мазкур мақолада мавзунини ёритишда тарихийлик, анализ ва синтез, қиёсий таҳлил ва таққослаш каби илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда ижтимоий давлатнинг асосий талаблари амалда қўлланилди, жумладан:

биринчидан, 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси ва 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида, айнан ижтимоий соҳани ривожлантириш, адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш масалалари устувор вазифалар сифатида белгиланиб, дастуриламал ҳужжат – “Ўзбекистон-2030” стратегиясида аҳоли талабларига ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган ижтимоий ҳимоя тизимини ташкил этиш асосий ғоялардан бири сифатида унинг 100 та устувор мақсади Барқарор ривожланиш бўйича Ўзбекистон миллий мақсад ва вазифаларининг барчасини тўлиқ қамраб олди;

иккинчидан, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ташкил этилди, “Мономарказ”лар фаолияти йўлга қўйилди, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” ташкил этилди, ишлаётган пенсионерга юз фоиз пенсия тўлашга ўтилди, ҳар бир аҳоли пунктларида (маҳаллаларда) камбағалликни қисқартириш, тадбиркорликни ривожлантириш, иш ўринларини яратиш, аҳоли даромадини ошириш учун масъул бўлган ҳоким ёрдамчилари лавозими жорий этилди. Энг муҳими, аҳолига ғамхўрлик кўрсатиш бўйича янги тизим йўлга қўйилди;

учинчидан, ижтимоий давлатга мос бўлган таълим ва тиббиёт соҳаларига алоҳида эътибор қаратилди. “Таълим учун инвестиция – буюк келажакка сармоя” шиори остида узлуксиз таълим тизимини мунтазам такомиллаштириб бориш бўйича жиддий ислохотлар амалга оширилди.

Бугун юртимизда инсон омили олий қадрият даражасига кўтарилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Одамлар эртага эмас, бугун бахтли яшашни истайдилар», деган тамойилни илгари суриши ва буни бугунги сиёсатимизнинг устувор йўналишига айлантиришида ҳам айнан шу мазмун-моҳият мужассамдир. Хусусан, мамлакатимизда илк бор пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори минимал истеъмол харажатларидан кам бўлмаган даражага

олиб чиқилди. 2017 йилда кам таъминланган 500 минг оила ижтимоий ёрдам олган бўлса, бугунга келиб 2 миллиондан ортиқ оилага кўмак берилмоқда. Ажратилаётган маблағ эса 7 баробар кўпайтирилиб, йилига 11 триллион сўмга етди.

Кам таъминланган оилалар фарзандларини парвариш қилиш бўйича нафақалар қамрови кенгайтирилди, нафақа тайинлашда ҳисобга олинган болаларнинг ёши 14 ёшдан 18 ёшгача оширилди, мазкур тўлов муддати 6 ойдан 12 ойгача ҳамда нафақа миқдори ўртача 1,5 баробар кўпайди, 2022 йилдан бошлаб оиланинг ҳар бир аъзосига жами бир ойлик ўртача даромад минимал истеъмол харажатлари миқдоридан ошмаганда оилани кам таъминланган, деб эътироф этилиши белгилаб қўйилди.

Кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларга манзилли ёрдам кўрсатиш мақсадида “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими жорий қилинди, кам таъминланган нафақа олувчи оилалар сони охириги уч йилда тўрт баробар ошиб, 1,9 миллионга етди. 2023 йил учун давлат бюджетининг ижтимоий соҳага йўналтирилаётган маблағи миқдорига жиддий эътибор қаратилди. 2023 йилда таълим соҳаси харажатларига 58,4 триллион сўм, соғлиқни сақлаш соҳасига 28,4 триллион сўм, маданият соҳасига 2,5 триллион сўм, спорт соҳасига 2,3 триллион сўм ва фанни янада ривожлантириш тадбирлари учун 1,8 триллион сўм йўналтирилди.

Жорий йилги давлат бюджетига аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг устувор йўналишларини молиялаштириш учун 18,1 триллион сўм ажратилиши, даромади юқори бўлмаган ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож жами 52 мингдан ортиқ фуқарога ипотека кредити бўйича дастлабки бадал ва фоизларнинг бир қисмини қоплаш учун бюджет маблағлари ҳисобидан 1,1 триллион сўм субсидия тўлаб берилиши кўзда тутилди.

Сўнгги олти йилда ижтимоий ёрдам кўлами 5 баробар оширилиб, 2 миллиондан ортиқ оила қамраб олинди. Ҳозирги кунда ҳар бир эҳтиёжманд оила бюджет ва 3 та “дафтар” тизими орқали моддий ёрдам олмоқда. Бу мақсадларга бюджетдан ҳар йили ажратиладиган маблағ 18 триллион сўмга етди. Ҳолбуки, 2016 йилда бу кўрсаткич 2,2 триллион сўм эди.

Ижтимоий таъминотга йўналтирилган маблағнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2,5 баробар ёки 2016 йилдаги 0,9 фоиздан 2022 йилда 2,2 фоизга кўпайди. Аввалги таҳрирдаги Конституциямизда ногиронлар ҳақида сўз юритилмаган. Бироқ ҳозирги кунда Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган 1 миллионга яқин шахс, жумладан, 16 ёшгача ногиронлиги бўлган 100 мингдан ортиқ бола истиқомат қилишини ҳисобга олсак, Конституциянинг алоҳида моддаси ижтимоий ҳимоя ва аҳолининг ушбу тоифасига нисбатан камситишни

тақиқлаш масалаларига бағишлангани жуда муҳимдир. [6]. “Ўзбекистон-2030” стратегиясида 2026 йилга қадар камбағалликни 2022 йилга нисбатан икки баробар, 2030 йилга қадар эса кескин қисқартириш белгиланган. Камбағалликка тушиш хавфи мавжуд бўлган 4,5 миллион аҳоли даромадини ошириш, ижтимоий шериклик асосида 500 минг малакали мутахассис тайёрлаш мақсад қилинган.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ижтимоий соҳа, айниқса, таълим соҳасига ажратилаётган маблағлар миқдори янада оширилиши мақсадга мувофиқ. Айниқса чекка қишлоқ ҳудудларда мактабгача таълим ташкилотлари ва умумий ўрта таълим мактабларининг моддий-техник ҳолатини янада яхшилаш, пойтахт ва шаҳарлардан замонавий методлар асосида таълим берадиган педагогларни кўпроқ жалб қилиш ўз самарасини беради. Чунки, сифатли таълимсиз, етук кадрларсиз буюк келажакни тасаввур этиб бўлмайди. Шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасида кадрлар танқислиги муаммоси ҳам аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш ўз таъсирини кўрсатмоқда. Ушбу йўналишда ҳам давлатнинг ижтимоий кўмагига жиддий зарурат туғилмоқда.

Хулоса сифатида қайд этиш лозимки, Ўзбекистонни эркинлик, имкониятлар тенглиги, адолат, бирдамлик, ижтимоий ҳимоя ва масъулият принциплари ҳукмронлик қиладиган, Конституция ва қонунларнинг устуворлиги сўзсиз таъминланган, инсонларнинг кескин табақаланишига йўл қўйилмайдиган ва барча аҳоли қатлами учун муносиб ҳаёт шароити яратилган, кучли “ҳуқуқий-ижтимоий давлат” сифатида ривожланган давлатлар қаторига қўшилиши йўлида хизмат қилиш – барчамизнинг асосий мақсадимизга айланиши зарур.

REFERENCES

1. “Темур тузуклари”. Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси. 1991 й. 53-б.
2. https://uza.uz/uz/posts/izhtimoiy-davlatning-konstituciya-yiviy-asoslari_471933
3. “Ижтимоий ҳимоя. Атамалар изоҳли луғати”. Тошкент.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. 2007 й. 104-б.
4. <https://old.gov.uz/uz/news/view/16261>
5. <https://president.uz/uz/lists/view/5830>.
6. <https://yuz.uz/news/milliy-taraqqiyot-yoli--adolatli-ijtimoiy-siyosat-yuritishning-bosh-mezoni>
7. Saifnazarov, I. (2023). Yangi O‘zbekiston: inson qadri ulug‘langan yurt. – Tashkent: “Ilm-Ziyo-Zakovat” MChJ. - 209.